

Қ А Р О Р

2002 йил декабр ойини 16 кунини жиноят ишлари бўйича Тошлоқ тумани суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида Раислик қилувчи А.Т.Мадалимов Хамидов Ж.нинг котиблигида Ўзбекистон Республикаси МЖТК.нинг 201-моддаси Тожибоева Мўтабархонга нисбатан тўпланган маъмурий кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Тожибоева Мўтабархон – 1962 йилда Марғилон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, депутат эмас, давлат мукофотлари олмаган, муқаддам судланмаган, онлани, "Хақиқат" кўп тармоқли савдо ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари, Марғилон шаҳар Зухро кўчаси 31 уй 29 хонада яшайди.

М.Тожибоева 2002 йил 14 октябрь кунини соат 10.00 ларда жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман суди биноси олдида тегишли рухсатнома олмасдан намоишлар уюштириш тартибини бузиб, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 201 моддасида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган.

Ушбу маъмурий иш бўйича М.Тожибоевани яшаш жойи бўйича 2002 йил 30 ноябрь кунини чақирув қоғози юборилиб, 2002 йил 02 декабрь кунини суд мажлисига М.Тожибоева келмади, шунга кўра унга нисбатан 2002 йил 4 декабрь кунини суд мажлисига мажбурий тартида келтириш ҳақида ажрим чиқарилиб, ижро қилишлик учун яшаш жойи бўйича Марғилон шаҳар ИИБга юборилиб ажримни назорат қилишлик учун Фарғона вилоят ИИБга юборилди. Суд томонидан бир неча марта Марғилон шаҳар ИИБга ажримни ижро қилишлик учун эслатмалар юборилишига қарамасдан М.Тожибоева суд мажлисига олиб келинмади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрь кунини "Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 22-қарорининг 7 бандида маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 294 моддаси 3 бандида кўрсатилган ҳолатларда маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахсининг қатнашиши шарт. Бу ҳолида роия қилмаслик қарорининг бекор бўлишига асос бўлади деб, кўрсатилган, шунга кўра қонуний муддат ичида М.Тожибоева суд мажлисига олиб келинмаганлиги сабабли ишни кўришни имконияти бўлмади. Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 310 моддаси 2 қисми ва 271 моддаси 7 қисми бўйича яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтига келиб ушбу Кодекснинг 36 моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетган бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар иш юритишдан тугатилиши кўрсатилган.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 36, 271 моддаси 7 қисми 309-311 моддаларига қўллаб

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М:

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 201 моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги Тожибоева Мўтабархонга нисбатан маъмурий иш иш юритишдан тугатилсин.

Қарордан норози томон 10 кун муддат ичида жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман суди орқали жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судига шикоят ва протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи: имзо
"Нусхаси аслига тугри"
Жиноят ишлари бўйича Тошлоқ

судининг раиси



А.Т.Мадалимов